

## ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ЖАРАЁНИДА ПСИХОЛОГИК БИЛИМЛАРДАН Фойдаланишнинг аҳамияти ҳамда терговчининг руҳий ҳолатини ўрганиш

*Хасанова Ирода Абдухалил қизи\**  
*Аълохонов Муҳаммадмирзохон Адхамхон ўғли\**

**Аннотация:** Мазкур мақолада дастлабки тергов жараёнида процесс иштирокчиларининг психик ҳолати, айрим тергов ҳаракатларида махсус психологик билимларнинг аҳамияти терговчининг касбий психологияси, ҳамда дастлабки тергов жараёнида психологик билимлардан фойдаланишнинг самараси борасида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** дастлабки тергов, психика, психологик билимларнинг аҳамияти, сўроқ, процесс иштирокчилари, айбланувчи психикаси, юридик психология, айбланувчи, жабрланувчи

**Аннотация:** В данной статье рассматривается психологическое состояние участников судебного процесса в ходе предварительного следствия, а также эффект от использования психологических знаний в ходе следствия.

**Ключевы слова:** предварительное расследование, психея, важность психологических знаний, вопрос, участники процесса, психика обвиняемого, юридическая психология, обвиняемый

**Annotation:** In this article, the mental state of the process participants and the importance of psychological knowledge during the preliminary investigation process were established.

**Key words:** preliminary investigation, psyche, the psyche of the accused, legal psyology

Бугунги янги Ўзбекистонда мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, жамиятимизда адолат ҳамда қонун устуворлигига эришиш Ички ишлар идоралари ходимлари қолаверса ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи омиллар, шунингдек, ушбу фаолиятнинг психологик жихатларни таҳлил қилиш, унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, шу орқали бу фаолиятни такомиллаштиришнинг психологик механизмларини ишлаб чиқариш ва йўлга қўйиш давр талабидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2022 йилнинг 03 август куни суриштирув ва тергов органлари учун кадрлар тайёрлаш бўйича

\*ИИВ Академияси хизмат фаолиятини психологик таъминлаш йўналиши 3-ўқув курси 323-гурӯҳ курсанти

\*ИИВ Академияси тергов фаолияти йўналиши 3-ўқув курси 320-гурӯҳ курсанти

режалар тақдимоти билан танишиши жараёнида суриштирув ва дастлабки тергов органларига замон талабларига ва мос интеллектуал билим салоҳияти юқори бўлган, профессионал кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини узликсиз ошириб бориш бўйича ўзининг алоҳида топшириқларини бергани ҳам суриштирув ва дастлабки тергов органларининг тарихида муҳим ислохатларнинг дебочаси бўлди дейишимиз мумкин. Ички ишлар идоралари ходимларнинг фаолияти ўзига хослиги билан ажралиб туради. Сабаби, улар доимий равишда турли тоифадаги одамлар билан мулоқатда бўлади ва бу улардан одамларнинг муаммоларини қонуний ҳал қилишлари учун юридик билим билан бир қаторда улардан психологик билимларга ҳам эга бўлишликни ва ўзининг касбгруппаси учун зарур жиҳатларни шакллантиришликни талаб қилади.

Дастлабки терговни тўлиқ, холисона ва адолатли олиб бориш учун эса нафақат юридик фанларни, балки шахсларнинг руҳий ҳолати ва кечинмаларини ҳам яхши билишлари керак. Бу эса, терговчидан психология илмининг сир-асрорларидан хабардор бўлишни ва шу асосида қонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам мустақиллигимиз асосчиси И.Каримов *“Психология фани биз учун энг зарур соҳалардан бири. Психологияни ўрганиш-ҳаётни, инсонни ўрганиш дегани. Керак бўлса, раҳабарлик қилмоқчи экансиз, етакчи бўлиб одамларга кўрсатма бермоқчи экансиз, олдин уларнинг психологиясини ҳар томонлама ўрганишингиз керак”*<sup>1</sup>- деган эдилар.

Дастлабки тергов жараёнида терговчи ҳар бир тергов ҳаракатида, процесс иштирокчисига унинг руҳий ҳолати, характер ва темпраментидан келиб чиққан ҳолда ёндашиши психологик билимларни қўллаши талаб этилади. Терговчи-тергов ташкилотчиси, маъсулиятли қарорлар қабул қиладиган, уларнинг бажарилишига эришадиган ва бир вақтнинг ўзида кўплаб одамлар фаолиятининг ташкилотчиси сифатида ишлайдиган шахс сифатида қаралади. Амалий иш доимо ундан концентрация, аниқлик ва ташкилотчиликни талаб қилади. Терговчи касбининг реконструктив томони маълумотларни қайта ишлаш ва қарорлар қабул қилишда намоён бўлади. Биргина сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг ўзида терговчи турли хил таъсир этиш йўлари билан психологик билимлардан фойдаланади. Бунда терговчи олдиндан тайёргарлик кўриши лозимдир, яъни унинг ёнига қандай характер, қандай темпраментдаги, процесснинг қайси иштирокчиси қанақанги ҳолатда келмоқда шу каби саволарга ўзи жавоб топиб кутилаётган муҳитга мос ҳамда жиноят ишига керакли маълумотларни олишга қаратилган психологик методлардан фойдаланади. Терговчининг асосий вазифаси дастлабки терговни қонунда белгиланган тартибда ва ҳар томонлама олиб бориш бўлсада, у ўз вазифасини сифатли амалга

<sup>1</sup> Қаранг И.Каримов Инсон унинг ҳуқу ва эркинликлари олий қадрият-Т.14.-Т.,2006-121-122-б

ошириш учун психологияни ҳам билиши, билиш билан бир қаторда уни ўз амалиётида қўллай олиши ҳам лозим. Терговчилик касби кўп қиррали ва мураккабдир. Ундаги шахсий ва касбий сифатлар кўплаб омилларнинг ўзаро таъсири натижасида шаклланади. Фикримизча, биз тергов амалиётига психологияни киритиш, терговчиларда психологик билимларни шакллантиришдан олдин терговчи шахсиятини ва унинг ўзидаги психикани ўрганиб олишимиз лозим бўлади. Шундан сўнггина, дастлабки тергов жараёнда психологик билимлардан фойдаланиш ҳақида тўхталишимиз мумкин. Сабаби, дастлабки тергов жараёнида ташкилотчи ҳисобланган терговчи иш давомида руҳий ва жисмоний жиҳатдан толиқган вақтларида улар билан ишлаш амалиётини шакллантиришни йўлга қўядиган бўлсак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу тергов аппаратларининг иш самарадорлигига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Ҳаётимизда давомида ҳаммамиз ҳам стрессга тушумиз ва бу ҳолат ҳаммада турли хил сабаблар туфайли юз беради, терговчиларда ҳам стресслар юз беради ва бунинг сабаби улардан сўралганида кўпгина ҳолатларда иш ҳажмининг кўплиги жисмоний ва руҳий толиқганликларидан эканликларни такидлашадилар. Биламизки, ҳар қандай шахс ўз ҳаётида кўплаб маротаба стресс ва фрустрация каби салбий психологик ҳолатларга дуч келиши табиий ҳолат, лекин аксарият кишилар бундай ҳолатлардан чиқиб кета олиш юзасидан психологик билим, кўникма ва малкаларга эга бўлмаганлиги туфайли ўз руҳиятини салбий таъсирлардан асрай олмайди. Айнан шундай кўникма ва малакалар таркибига кишининг оптимистик кайфияти ёки оптимистик характер хислатларига эга бўлиши, ҳеч бўлмаганда шу каби кўникмаларни ўзида шакллантириши лозимлигини алоҳида қайд этган ҳолда, дастлаб оптимизм атамаси билан боғлиқ психологик фикр ва мулоҳазаларни диққатингизга ҳавола этамиз. Хориж ва рус олимлари томонидан шахснинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ бўлган стресс ҳолатларини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқот ишларининг баъзиларида стресс ва ундан чиқиб кета олиш жараёнида шахсдаги оптимизм-пессимизм каби психологик ҳолатларнинг таъсири ўрганилган. М.Э.Селигман, Ф.Е.Василюк, Ю.М.Забродин, М.С.Замишляева каби тадқиқотчилар томонидан маълум бир фаолият жараёнида кутилмаган вазиятларга нисбатан шахснинг психофизиологик фаоллиги ва психик зўриқшининг барқарорлик даражаси махсус ўрганиб чиқилган. Ўтказилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, фавқулодда вазиятларнинг шахс томонидан қандай идрок этилиши, уларнинг салбий (зарарли, хавфли) ёки одатий ҳол сифатида баҳоланиши индивиднинг ўзига хос сифат ва хусусиятлари билан асосланади ва бу бевосита унинг индивидуал психологик жавобини таъминлайди. Стресс диққат ва тафаккур жараёнларининг бузилишига олиб келганида, ҳиссиёт соҳаси билан боғлиқ бўлади. Турмушимизда содир бўлиб

турадиган ихтилофларнинг кўплари кўшимча асаб зўриқишларга, стрессли вазиятларга олиб келади ва стрессларни бошқариш заруратининг туғилишига сабаб бўлади. Ҳар қандай жисмнинг мустаҳкамлик чегараси бўлиб, бу чегарадан ошиб кетиш унинг бузилишига олиб келади. Шахслараро муносабатларда эса бу турли ташқи ва ички омиллар таъсири остида пайдо бўладиган рухий зўриқиш ҳисобланади. Айрим мутахассисларнинг фикрича, стресс – бу шундай бир босим, қайси шахсларни ҳиссий дискомфорт (номақбул) ҳолатга олиб келади. Умуман олганда, стресс – тез-тез учраб турадиган ҳодиса. Унчалик аҳамиятга эга бўлмаган стресслар муқаррар ва зарарсиз бўлиб, ҳаддан ортиқ стресс шахс учун ҳам, корхона ва ташкилотлар учун ҳам қийинчиликларга, қўйилган мақсадни амалга оширишда муаммоларга олиб келади. Бизнинг стрессга тўхталиб ўтишимиздан ҳам мақсад айнан ушбу соҳа вакилларин мана шундай стрессларга тушишларинг олдини олишдан иборат. Ҳеч биримизга сир эмаски, юртимизда аҳоли гавжум бўлган ҳудудларда фаолият юритаётган терговчилар иш ҳажмининг юқорилик сабабли ҳам иш сифатининг тушганлиги ва терговчиларда ҳам ўз устиларида ишлаб психологик билимлар тура турсин ўз ҳуқуқий билимларини оширишга вақт йўқлигини барчамиз кўриб турибмиз. Бундай вақтларда терговчиларнинг ўзлари билан махсус билимга эга бўлган мутахассислар турли тренингларни амалга оширадиган бўлса уларнинг руҳиятига яхши таъсир этган бўлар эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сонли қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат иттизоми кодекси”да ҳам терговчига хос бўлган ундан талаб этиладиган айрим касбий хислатлар белгилаб қўйилган. Фақатгина биз амалиётга ходимнинг рухий ҳолати билан ишлаш бўйича ҳам айрим ислоҳатларни амалга оширсак мақсадга мувофиқ бўлар эди деган фикрдамиз.

Дастлабки тергов давомида тергов қилиш амалиёти муҳим аҳамиятга эга ва суд жараёнининг одиллик принципи асосида ташкил этилишида ўрни катта ҳисобланади. Аммо, бу жараёнларда тергов психологиясини қўллашни билмаслик ҳақиқатни аниқлашда камчиликларга олиб келмоқда. Баъзи олимлар амалиётда тергов психологиясининг долзарблигини кўрсатувчи қуйидаги сабабларни кўрсатиб ўтишади:

*“Биринчидан, ўтган 20 йил ичида ушбу соҳада ҳеч қандай монографик тадқиқотлар ўтказилмаган, илмий ишлар, диссертациялар ёзилмаган. Бу эса ўз навбатида тергов психологияси назарияси, амалиёти ҳақида тегишли органларда тушунча шаклланмаслигига олиб келади.*

*Иккинчидан, яқин йилларгача бу соҳада кадрлар тайёрлаш тизими йўқлиги, мутахассислар етишмаслиги бўлиб келди. Юридик таълим муассасаларида ҳам энди алоҳида фан предмети сифатида йўлга қўйилди ва ушбу кадрлар яқин*

кунлардан етказиб берилаётганлиги сабабли шу вақтга қадар бу муаммо сифатида қаралди. Терговда ва судда алоҳида субъектлар ўзаро мулоқатга киришади. Мулоқатга киришишда эса психология табиийки мавжуд бўлади. Тергов жараёнларида психологияни қўллаш ва ундан тўғри фойдаланиш лозим. Аммо, уни билмай туриб, мутахассис фикрини эшитмай туриб жинойий ҳолатлар бўйича баҳо бериш ҳақиқатни аниқлашда ва одилликни таъминлашда ноҳолисликни келтириб чиқаради. Масалан, тергов психологиясининг тадбиқ қилинмаслиги натижасида суд ишларида ҳақиқатни аниқлаш эмас, қайси тараф судяни кўпроқ ишонтирса, шу тарафнинг фойдасига ишлар ҳал бўлади. Мақсад реал ҳолатни очиш бўлиши учун терговда ва суд жараёнида тарафларнинг ўзаро мулоқатига, хатти-ҳаракатига мутахассис томонидан психологик хулоса бериш лозим.

*Учинчидан, тергов психологиясини тўхғри амалга ошириш учун керакли техник воситаларнинг мавжум эмаслиги.* Масалан, Америка Қўшма Штатлари муқаддам ёлғонни аниқлаш учун махсус детектор (полиграф)дан фойдаланишар эди. Одатда полиграфия тестларини ўтказиш учун ишлатиладиган асбоб физиологик ёзувдан иборат бўлиб, вегетатив нерв системасининг учта кўрсаткичи орқали баҳолаб эди, яъни: инсоннинг юрак уриши, қон босими, нафас олиши ва терининг ўтказувчанлиги бўйича. Бугунги кунда имтихон топширувчиларнинг аксарияти компьютерлаштирилган рўйхатга олиш тизимидан фойдаланадилар. Нафас олиш тезлиги ва чуқурлиги параметрининг кўкрагига ўралган пневмографлар билан ўлчанади. Юрак-қон томир фаолияти қон босими билан баҳоланади. Терининг ўтказувчанлиги (галаник тери ёки электродермал реакция деб аталади.) субъектнинг бармоқ учларига боғланган электродлар орқали ўлчанади. Ҳозирда бу воситани такомиллаштириб бориш бош миянинг айрим қисмларида синов тарзида ўтказиламоқда. Хориж тажрибасига таяниб психологик-техник воситалар билан тергов амалиётини бойитиш лозим.

*Тўртинчидан, тергов амалиётида психологияни қўллаш бўйича ҳуқуқий асослар мавжуд эмас.* Фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармонида яъни “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида баъзи фанлар қаторида психология фанини ривожлантириш алоҳида вазифа сифатида белгиланган. Амалда эса, бу бўйича ҳали ҳам амалий ишлар бажарилгани йўқ. Психологияни тергов амалиётида қўллаш бўйича ҳуқуқий асослар ҳалигача яратилгани йўқ. Амалиётда эҳтиёжимиз бор, лекин уни тартибга соладиган тизимли механизм йўқ.”

Юқорида айтиб ўтганларимиз тергов амалиётида психологик билимлардан фойдаланиш борасидаги муаммолар деб ҳисоблашсада, бизнингча ҳозирда олиб борилаётган ислоҳатлар айтиб ўтган муаммоларни ижобий томонга ҳал этишгша

қаратилган ва ислохатларнинг ўз самарасини кўрсатиши учун эса, биров вақт талаб этилади. Дастлабки тергов жараёнида психологик билимлардан фойдаланишнинг *аҳамияти* ҳамда унинг жиноятларни фож қилиш, сифатли терговни олиб бориб, ҳақиқатни аниқлашда нималарни бериши қандай натижаларга олиб келиши ҳақида ҳам тўхталиб ўтишимиз мақсадаг мувофиқ бўлади. Дастлабки терговни олиб бориш жараёнида психологик билимлардан фойдаланиш *биринчидан*, жиноятларни тез фож этилишига яъни ёлғонни аниқлаш учун шахснинг кириб келган вақтидаёқ ташқи кўринишига қараб унинг қандай инсон эканлиги (характери, темпераменти, қайси жиноятни содир этишга мойиллиги борлиги (психология ва криминологияга кўра инсонларнинг барчасида қайсидир жиноятни содир этишга мойиллик бўлди)) ҳақида дастлабки тасаввурни ҳосил қилиш мумкин. Психологияда шундай нарса борки, шахсларнинг новербал нутқи ҳамда унинг тана тузилишидан ҳам у билан гаплашмасдан туриб маълумот олиш мумкин ва бу нарса терговчиларда ҳам яхши шаклланган бўлиши керак. Ривожланган айрим давлатларда ушбу машғулот билан шуғуллланадиган алоҳида касб эгалари мавжуд. Аслини олганда ўз касбининг моҳир эгаси бўлган психологлар мулоқат психологиясидан кўра кўпроқ, новербал психологияни кўпроқ ўрганишади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда олиб борилаётган ислохатлар ўз самарасини бермасдан қолмайди. Инсон қадри улуг бўлган, фуқароларнинг ҳуқу ва эркинликлари энг олий қадрият сифатида қаралаётган Янги Ўзбекистонни интеллектуал салоҳиятли, креатив фикрловчи, юқаск ҳуқуқий билимга эга, жиноятларни тез ва тўлиқ очадиган, хушмуомалали, ўз касбининг фидойиси бўлган кадрлар билан биргаликда курашимиз.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қаранг И.Каримов Инсон унинг ҳуқу ва эркинликлари олий қадрият-Т.14.-Т., 2006-121-122-б
2. “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни 2016 йил 16 сентябрь.
3. 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармонига яъни “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони
4. Давлетшин М.Г. «Психологическая наука в Узбекистане» Психологический журнал. Тошкент. №7. 1986 й.
5. Усмонова А.А., Норбоев А.Н. Юридик психология. Т., 2006 йил
6. Сирлиев Б.Н., Бекназаров А.А., Арзикулов Д.Н. Психология. Маърузалар матни. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006.
7. Ғозиев Э. Умумий психология Психология мутахассислиги учун ўқув кўлланима I китоб, Т.: «Университет» 2002
8. Ғозиев Э. Умумий психология. Т. 2010
9. Базаров Т.Ю. Психология управления персоналом. М.2014. –Б. 121.